

## **Мавзу1.**

**Сув ҳуқуқ фанининг тушунчаси,  
мақсади, вазифалари, предмети ва  
ўрганиш методлари**

# МАВЗУ БУЙИЧА ЎРГАНИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР

- **Режа:**
- 1.Сув ҳуқуқи фанининг асосий тушунчалари, фаннинг мақсади, вазифалари, фанни ўрганиш методлари.
- 2. Сув билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар.
- 3.Сув қонунларининг асосий мақсад ва вазифалари.
- 4.Сув ҳуқуқи принциплари.
- 5.Сув тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солинадиган муносабатлар.
- 6.Сув ҳуқуқи фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.
- 7. Сув ҳуқуқи тизими ва манбалари

# Фойдаланиш учун адабиётлар

- Suv huquqi. Darslik.(prof Usmonov M. Tahriri ostida) T., 2004-219bet.
- Сваков Д.О. Водное право. Учебно-практическое пособие, М., 2007год.
- Ismoilxo'jaev B., Nazarov X. Ekologiya va suv huquqi,T., TIQXMMI-MTU nashryoti, 2021 y.
- Nazarov X. Ekologiya va suv huquqi: ma'muriy huquqbuzarlik va javobgarlik, TIQXMMI-MTU nashryoti, 2022 y.
- Nazarov X. Ekologiya va suv huquqi: ekologik nazorat. TIQXMMI-MTU nashryoti, 2022 y.
- R.Quentin Grafton, Karen Hussey "Water resources planning and management", London 2011, Cambridge University Press p.423
- O'zbekiston Respublikasi Suv xo'jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo'ljallangan konsepsiyasi. 2020 yil.
- O'zbekiston Respublikasining "Suv va suvdan foydalanish to'g'risida"gi qonuni,1993 yil.
- O'zbekistonning Ichimlik suvi ta'minoti va oqava suvlarni chiqarib yuborish to'g'risida"gi qonun,O'RQ-784, 22iyul, 2022 y.
- O'zbekiston Respublikasi Suv kodeksi ,2023 yil.

- **Сув ҳуқуқининг мақсади:**
- Сувга оид муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларининг йиғиндиси Сув ҳуқуқи деб аталади. Сув ҳуқуқининг асосий мақсади сув билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш ҳисобланади.
- **Сув ҳуқуқининг асосий вазифалари:**
- сув ҳуқуқни вужудга келиши, ривожланиш ва истиқболларини ўрганиш, такомиллаштириш;
- аҳолини, иқтисодиёт тармоқларини ва экология тизимларини сув билан барқарор таъминлаш;
- сувни ифлосланиш, булғаланиш ва камайиб кетишдан муҳофаза қилиш, сувга зарарли таъсирнинг олдини олиш ва уни бартараф этиш, сув объектлари ҳолатини яхшилаш, аҳоли ва атроф муҳит учун сувдан фойдаланишнинг экологик хавфсиз даражасига эришиш ҳамда уни сақлаш;
- сув ресурсларини иқлим ўзгаришини инobatга олган ҳолда оқилona бошқариш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш;
- давлат-хусусий шериклик муносабатларини ривожлантириш учун шароитлар яратиш, сувдан фойдаланувчилар ва хусусий секторга сув хўжалиги объектларининг бир қисмини бериш, бошқа бозор механизмларини ривожлантириш;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг сувга доир муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини белгилаш, амалга ошириш кафолатларини такомиллаштириш, ҳимоя қилиш ва ҳимоя қилиш шакл ҳамда воситаларини такомиллаштириш;
- Сув ресурслар ва иншоотлари ҳавфсизлигини таъминлаш чораларини ўрганиш ва уларни такомиллаштириш;
- сув хўжалиги масалалари бўйича давлатларaro ҳамкорликни ривожлантириш.

# Сув билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар:

- ижтимоий муносабатларнинг Сув ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган қисми бўлиб, сув ҳуқуқининг асосий предмети ҳисобланади. Сув ресурслари ва иншоотлар тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Сув ҳуқуқининг манбаи бўлади.
- Ўзбекистон Республикасида сувга оид ҳуқуқий муносабатлар Сув тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тарбга солинади.
- Қорақалпоғистон Республикасида сувга доир муносабатлар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси қонунчилиги билан ҳам тартибга солинади.
- Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг сув тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

# Сув ҳуқуқи нормалари билан билан тартибга солинадиган муносабатлар:

- сув объектларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ҳамда сув хўжалиги объектларини бошқариш соҳасидаги сувга таллуқли муносабатларни тартибга солади;
- Ер остисувлари билан боғлиқ муносабатларни ҳам тартибга салади;
- Ичимлик сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар ҳам сув ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади.

# Сувга доир муносабатлар объектлари ва субъектлари

- **Қуйидагилар сувга доир муносабатлар объектлари ҳисобланади:**
- сув объектлари (ер усти ва ер ости) ёки уларнинг бир қисми ёхуд сувлари;
- гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари ҳамда объектлари;
- сув фонди ерлари.
- **Қуйидагилар сувга доир муносабатлар субъектлари ҳисобланади:**
- давлат номидан маҳаллий давлат ҳокимияти, махсус ваколатли ва бошқа давлат органлари;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа нотижорат ташкилотлари;
- сув объектлари фойдаланиш учун берилган юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, қонунчиликка мувофиқ манфаатдор жамоатчилик;
- сув етказиб берувчилар, сувдан фойдаланувчилар ва сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари

# Сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатли органлар

- Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги - сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги махсус ваколатли орган;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси – ер ости сувларидан фойдаланиш соҳасидаги ваколатли орган;
- Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси – атропо муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли орган;
- Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази - гидрометеорология фаолияти соҳасидаги ваколатли орган;
- Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати - аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш масалалари бўйича ваколатли орган.



# Сувдан фойдаланиш услубига кўра турлари :

- Сув ресурсларидан фойдаланишнинг барча турлари (сувдан фойдаланиш) ва уларни истеъмол қилиш (сув истеъмоли) махсус келишилган ҳолатлардан ташқари “сувдан фойдаланиш” деб номланади.
- сув ресурсларини сув объектларидан олмасдан (чиқармасдан) фойдаланиш;
- сув ресурсларини сув объектларидан олиш (чиқариш) орқали фойдаланиш;
- сув объектларидан сувни сув объектлари ёки пастқам рельефли жойларга тўлиқ ёки қисман қайтариш шарти билан фойдаланиш (чиқариш).
- **Сув объектидан сув олиш усулига кўра турлари:**
- сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этилишига қараб сувдан фойдаланиш сувдан умумий ва махсус фойдаланишга бўлинади.
- **Мақсадли фойдаланилишига кўра турлари:**
- сувдан фойдаланиш ичимлик, хўжалик-маиший, даволаш, курорт, рекреация, балиқчилик хўжалиги, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа турларга бўлинади

# Асосий тушунчалар

- **Сув ҳуқуқи**- уч ҳил маънода қўлланилади. Биринчиси, сувга оид муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларининг йиғиндиси; иккинчиси, сув ҳуқуқи юридик фанларнинг мустақил алоҳида соҳаси, учунчиси, бирор бир шахснинг сувга нисбан ҳуқуқ маъноларида қўлланилади,
- **Сув соҳасидаги давлат бошқарув органлари**- Сув хўжалиги вазирлиги, Қурилиш, уй-жой, коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, "Ўзсувтаъминот" Акционерлик жамияти тизими, Сув хўжалигини ҳавзавий бошқарув тизими
- **ҳавзавий кенгаш** – сув объекти ҳавзаси ёки ирригация тизими чегарасида сув ресурсларини оқилона бошқариш, улардан фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш бўйича масалаларни ҳал этиш учун коллегиал орган;
- **сув хўжалиги** – сув ресурслари ва объектларини ўрганиш, ҳисобга олиш, бошқариш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни, шунингдек, сувнинг зарарли таъсирини бартараф этишни ўз ичига олган иқтисодиёт тармоғи;

- **сув объектининг сувлилиги** – қатор йиллар давомидаги ўртача қийматга (нормага) нисбатан муайян вақт оралиғида (ўн кунлик, ой, мавсум, йил, бир неча йил) манбадан оқиб ўтадиган ёки манбадаги мавжуд сув миқдори;
- **сув объекти** – сувлар доимий равишда ёки вақтинча тўпланадиган ва сув режимининг ўзига хос шакллари ва белгилари бўлган табиий (жилғалар, сойлар, дарёлар ва бошқалар) ҳамда сунъий (очиқ ва ёпиқ каналлар, шунингдек, коллектор-дренаж тармоқлари) сув оқимлари, табиий (кўллар, денгизлар, ер ости сувли қатламлари) ва сунъий (сув омборлари, сел сув омборлари, ҳовузлар ва бошқалар) сув ҳавзалари, шунингдек, булоқлар ва бошқа объектлар;
- **сув ресурслари** – сув объекларида жойлашган, фойдаланилаётган ёки фойдаланилиши мумкин бўлган ер ости ва ер усти сувларининг мавжуд захиралари;
- **сув режими** – сув объекларидаги сувларнинг сифати, сатҳи, оқим тезлиги, сарфи, ҳажми ва бошқа ўзгарувчан кўрсаткичларининг вақт бирлигида ўзгариши;
- **сувга доир сервитут** – сув объекти ёки унинг бир қисмидан, шунингдек, сувларни муҳофаза қилиш зоналаридан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи;
- **сув оқизиш** – сувни, шу жумладан, оқова ва дренаж сувларини сув объектига ёки рельефнинг пастқам ерларига оқизиш бўйича тадбирлар мажмуи;

- **сувни муҳофаза қилиш зонаси** – сувнинг санитария ҳолатини зарур даражада сақлаш, унинг ифлосланиши ва булғанишининг ҳамда сув объектларини тупроқ эрозияси маҳсулотлари билан лойқа босишининг олдини олиш, шунингдек, қулай сув режимини ташкил этиш ва ушлаб туриш мақсадида фойдаланиш ва хўжалик фаолияти юритишнинг махсус режими ўрнатиладиган сув объектларининг ўзанлари ёки атрофига туташ табиий ҳудуд;
- **сувдан фойдаланиш** – юридик ва жисмоний шахсларнинг сув ресурсларидан ўз ва ишлаб чиқариш, шунингдек, экотизимлар эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиши;
- **сувдан фойдаланувчи** – сув ресурсларидан ўз эҳтиёжларини қондириш ва (ёки) ишлаб чиқариш мақсадлари учун фойдаланадиган юридик ёки жисмоний шахс;
- **сув хўжалиги тизими** – сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, бошқариш ва уларни муҳофаза қилишни таъминлаш, шунингдек, қайтариб ташланадиган сувларни оқизиш учун ўзаро боғлиқ сув объектлари, гидротехника иншоотлари комплекси ҳамда уларнинг инфратузилмаси;
- **сув хўжалиги объекти** – сув ресурсларини тўплаш, бошқариш, етказиб бериш, улардан фойдаланиш, уларни истеъмол қилиш, муҳофаза қилиш ва қайтариб ташланадиган сувларни оқизиш мақсадида сув хўжалиги фаолияти амалга ошириладиган инфратузилма ва ер участкалари бўлган гидротехник иншоотлар комплекси;

- **сув хўжалиги фаолияти** – жисмоний ва юридик шахсларнинг сув ҳамда сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш, уларни бошқариш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ фаолияти;
- **сув хўжалиги хизматлари** – сув етказиб берувчилар томонидан шартнома асосида сувдан фойдаланувчиларга кўрсатиладиган сув олиш, сув ресурсларини тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш, уларни етказиб бериш ва тақсимлаш билан боғлиқ бўлган уларнинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ хизматлар;
- **сувлар** – сув объектларида тўпланган барча сувлар мажмуи;
- **қайтариб ташланадиган сувлар** – сув объектларига ёки бирор жой рельефига тартибли равишда қайтариладиган ёки белгиланган тартибда қайта фойдаланиладиган оқова, ташлама ва коллектор-дренаж сувлари;
- **сувларнинг зарарли таъсири** – муайян ҳудудлар, ишлаб чиқариш объектлари ва ижтимоий инфратузилмага ер усти ва/ёки ер ости сувларининг ювиб кетиши, босиши, тошиши, вайрон қилиши, лойқа билан тўлдириши, ботқоқлаштириши, шўр бостириши ва бошқа зарарли таъсир кўрсатиши;
- **сув фонди** – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган сув объектлари мажмуи;
- **гидротехника иншоотлари** (сув хўжалиги иншоотлари) – тўфонлар, гидроэлектр станциялар бинолари, сув тўплаш, сув бўшатиш, сув ўтказиш ва сув чиқариш иншоотлари, туннеллар, каналлар, насос станциялари, сув омборлари қирғоқларини, дарёлар ва каналлар ўзаниларининг қирғоқлари ва тубини тошқин ҳамда вайрон бўлишдан муҳофаза қилиш учун мўлжалланган иншоотлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг суюқ чиқиндилар сақланадиган жойларини ўраб турувчи иншоотлар (кўтармалар

- **сув хўжалиги фаолияти** – жисмоний ва юридик шахсларнинг сув ҳамда сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш, уларни бошқариш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ фаолияти;
- **сув хўжалиги хизматлари** – сув етказиб берувчилар томонидан шартнома асосида сувдан фойдаланувчиларга кўрсатиладиган сув олиш, сув ресурсларини тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш, уларни етказиб бериш ва тақсимлаш билан боғлиқ бўлган уларнинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ хизматлар;
- **сувлар** – сув объектларида тўпланган барча сувлар мажмуи;
- **қайтариб ташланадиган сувлар** – сув объектларига ёки бирор жой рельефига тартибли равишда қайтариладиган ёки белгиланган тартибда қайта фойдаланиладиган оқова, ташлама ва коллектор-дренаж сувлари;
- **сувларнинг зарарли таъсири** – муайян ҳудудлар, ишлаб чиқариш объектлари ва ижтимоий инфратузилмага ер усти ва/ёки ер ости сувларининг ювиб кетиши, босиши, тошиши, вайрон қилиши, лойқа билан тўлдириши, ботқоқлаштириши, шўр бостириши ва бошқа зарарли таъсир кўрсатиши;
- **сув фонди** – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган сув объектлари мажмуи;
- **гидротехника иншоотлари** (сув хўжалиги иншоотлари) – тўфонлар, гидроэлектр станциялар бинолари, сув тўплаш, сув бўшатиш, сув ўтказиш ва сув чиқариш иншоотлари, туннеллар, қаналлар, насос станциялари, сув омборлари қирғоқларини, дарёлар ва каналлар ўзларининг қирғоқлари ва тубини тошқин ҳамда вайрон бўлишдан муҳофаза қилиш учун мўлжалланган иншоотлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг суюқ чиқиндилар сақланадиган жойларини ўраб турувчи иншоотлар (кўтармалар

- **гидрографик зона** – дарё ҳавзаси (трансчегаравий ёки кичик дарё) ёки суғориш тизимининг чегаралари сув айиргич чизиқлари билан белгиланган, барча сувлар битта чиқиш нуқтасига қараб оқадиган ва бирлашадиган ҳудуд;
- **сув ресурслари танқислиги** – табиий ва бошқа омиллар, ер усти сувларининг нотекис тақсимланиши, сув оқимининг йиллар ва мавсумлар бўйича вақтинча кескин ўзгариши, чегарадош давлатлардан оқиб келаётган сув улушининг камайиши, сув ресурсларидан нооқилона фойдаланиш сабабли юзага келадиган, маълум вақт оралиғида сув ресурсларининг белгиланган меъёрларга нисбатан аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва атроф-муҳит эҳтиёжларини қондириш учун етишмаслиги;
- **дренаж сувлари** – суғориладиган ва захи қочириладиган ерлардан тупланган ва оқизилиб сув объектларига, шу жумладан аҳоли пунктлари ҳудудидан чиқариб ташланадиган ер ости сувлари;
- **сув тубидаги тупроқ** – сув тубини чуқурлаштириш, қирғоқларни мустаҳкамлаш ва сув объектларининг туби ҳамда қирғоқларининг ўзгариши, шунингдек, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ ва бошқа ишларни амалга оширишда сув объектлари тубидан олинган тупроқ;

- **сувларнинг ифлосланиши** – сув сифатини ёмонлаштирадиган ифлослантувчи моддаларнинг тушиши ёки ҳосил бўлиши натижасида сувнинг кимёвий ва (ёки) биологик таркибини ёки физик хусусиятларини ўзгартириш жараёни;
- **санитария-муҳофаза зонаси** – ичимлик, маиший ва даволаш-соғломлаштириш мақсадлари учун фойдаланилаётган, лойиҳалаштирилаётган, қурилаётган ва реконструкция қилинаётган сув объектларига туташ, режим асосида муҳофаза этиладиган, уларни санитария-эпидемиологик жиҳатидан ишончлилигини таъминлаш мақсадида ташкил қилинадиган табиий ҳудуд;
- **ичимлик суви**- аҳоли истеъмоли учун зарур сув ресурслари;
- **ирригация тизими** – каналлар, ҳовузлар, сув омборлари, бошқа сув ҳавзалари, сув ўтказиш қувурлари, насос станциялари, қудуқлар ва бошқа иншоотларнинг ирригация тизимларини сақлаш ҳамда улардан фойдаланишни таъминлаш учун йўллар, бинолар, электр узатиш линиялари ва бошқа инфратузилма, шу жумладан, ажратилган ерлар чегара зоналари мавжуд бўлган ўзаро боғлиқ тизим;
- **сувлар сифати** – сувнинг турли хил сувдан фойдаланиш ва сувни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқлигини белгиловчи биологик ва физик-кимёвий хусусиятлари мажмуи;
- **сув олиш квотаси** – муайян гидрографик зонадаги иқтисодиёт тармоғи сувдан фойдаланувчилари ўртасида сувни йиллик ёки мавсумий тақсимлашда ҳар бир сувдан фойдаланувчининг улушини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳисобий сув ҳажми;



- **коллектор-дренаж сувлари** – суғориладиган ва захи қочириладиган ерлардан ташқарига чиқариб ташланадиган ташлама сувларининг бир қисми ва дренаж сувлари;
- **коллектор-дренаж тармоғи** – коллекторлар, дренаж тармоғи ва вертикал дренаж қудуқларидан иборат бўлиб, ер ости ва ер усти ташлама сувларини йиғиш ва уларни суғориладиган ерлардан ташқарига чиқариб юборишга ёрдам берадиган сув хўжалиги объекти;
- **сув олиш лимити** – гидрографик зона чегарасида йилнинг сувлилик даражасига ва ер ости сувлари ҳолатига қараб маълум вақт оралиғида сувдан фойдаланувчилар оладиган кафолатланган сув миқдорини белгиловчи ҳисобий кўрсаткич;
- **ер ости сув конлари** – ягона геологик структурага ҳамда ер ости сувларининг шаклланиши, ҳаракатланиши ва чиқариб юборилиши умумий йўналишга эга бўлган бир ёки бир неча сувли қатламларнинг тарқалиш зонаси;
- **минерал сувлар** – таркибида эриган тузлар, микроэлементлар, шунингдек, ижобий бальнеологик таъсир кўрсатадиган баъзи биологик фаол компонентлар бўлган сувлар;
- **термал сувлар** – ер қаърининг чуқур горизонтларидан чиқадиган, ҳарорати 20 градусдан ортиқ, иситиш ёки даволаш мақсадларида фойдаланилиши мумкин бўлган сувлар;
- **норуда фойдали қазилмалар** – саноат ва қурилишда табиий ҳолида ёки хом ашё сифатида ишлатиладиган минераллар ёки тоғ жинслари (қум, майда тош, шағал, қумтош, гил, бўр ва бошқалар);
- **сувдан фойдаланишни нормалаштириш** – ишлатиш мумкин бўлган сувнинг сифати ва миқдори, муайян технологик шароитлар ҳамда жараёнлар ҳисобга олинган ҳолда аҳоли жон бошига, ер майдони ёки маҳсулот бирлигига сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича илмий асосланган нормаларни ишлаб чиқиш ва белгилаш;

- **сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва муҳофаза қилиш схемаси** – аҳолининг, атроф-муҳит ва иқтисодиёт тармоқларининг жорий ҳамда истиқболдаги эҳтиёжларини сув ресурслари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда қаноатлантириш, шунингдек, сувларни муҳофаза қилиш ва уларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш учун амалга ошириладиган сув хўжалигининг асосий ва бошқа тадбирларини белгилайдиган ҳужжат;
- **трансчегаравий таъсир** – жисмоний манбаи тўлиқ ёки қисман у ёки бу соҳилбўйи мамлакати юрисдикцияси остидаги ҳудудда жойлашган, трансчегаравий сувлар ҳолатининг инсон фаолияти таъсирида ўзгариши натижасида юзага келадиган қирғоқнинг бошқа томонидаги мамлакатнинг юрисдикцияси остидаги ҳудуддаги атроф-муҳитга ҳар қандай жиддий зарарли оқибатлар;
- **трансчегаравий сув объектлари** – икки ва ундан ортиқ давлатлар чегараларини кесиб ўтадиган ёки шундай чегараларда жойлашган сув объектлари;
- **трансчегаравий сувлар** – икки ва ундан ортиқ давлатлар чегараларини кесиб ўтадиган ёки шундай чегараларда жойлашган ҳар қандай ер усти ёки ер ости сувлари;
- **сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари** – сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари – давлат сув хўжалиги объектларидан фойдаланувчи ташкилотлар (туман ирригация бўлимлари, ирригация тизими бошқармалари, магистрал каналлар (тизимлар) бошқармалари, насос станциялари ва энергетика бошқармалари, мелиоратив экспедициялар, сув омборларидан ва йирик гидротехника иншоотларидан фойдаланиш бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари.
- **Ичимлик сув таъминоти ва канализация хизмати ташкилотлари**- “Ўзсув таъминот” АЖ, ҚР, вилоятлар, Тошкент шаҳар сув таъминоти маъсулъяти чекланган жамиятлари, уларнинг йирик шаҳарлар, туманлар туманларга тенглаштирилган шаҳарлардаги филиал ва бўлимлари.

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН  
РАЊМАТ